

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
Таълим вазирлиги**

**Наманган муҳандислик- педагогика
институти**

«Технология» факультети

**«Озиқ-овқат технологияси»
кафедраси**

**«МАЛАКАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ»
фанидан**

**А М А Л И Й
М А Ш Ғ У Л О Т Л А Р**

Наманган - 2006 йил.

«Озиқ-овқатлар технологияси» кафедрасининг №_____сонли йиғилишида кўриб чиқиб, маъқулланган

Ушбу амалий машғулотлар бўйича қўлланма институт ўқув-услубий кенгашининг №_____сонли йиғилишида муҳокама этиб, маъқулланди.

Тузувчилар: доц. Л. Мамажанов
 асс. Д. Ўктамов

Такризчи: доц. А. Муродиллаев

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №1

Китоб билан мустақил ишлаш методикаси.

Ишнинг мақсади: Талабаларни ўқишдан бўш вақтларида ўз устларида мустақил ишлашга ўргатиш. Иқтисос-ликка мос келувчи адабиётлардан кўпроқ фойдаланишга ҳамда ана шу адабиётларда босилиб чиқаётган янгиликлар билан танишиб бориш бу адабиётларни ёзилиши уларда илгари сурилган ғояларни ва булардаги асосий ғояларни тезроқ англаб олишга ўрганиш.

1. Фойдаланган адабиёт номи қайси босмахонада босилганлиги, автори ва қайси йилда босиб чиқарилганлигини кўрсатиш.
2. Китобни ўқиш ва бундаги илгари сурилган ғояни, унда келтирилган маълумотларни ёзиш.
3. Китобни мундарижа саҳифасидан керакли мавзуларни топишни ўрганиш.
4. Берилган мавзунини конспеклаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №2

МАВЗУ: Турли хил дарсларга режа тузиш методикаси.

Ишдан мақсад: Талабаларда турли хилдаги дарсларга режа тузишда қобилиятини шакллантириш. Аниқ мавзуга дарс тузишни танлаш билишини ва уни ёритиб беришни ўргатиш.

Асосий назарий маълумотлар.

Дарс режалари йиғма тематик режа асосида тузилади. Мавзунини аввалги дарс мавзуси натижалари билан ўрганилади.

Дарс режаси дарсни режасини мақсадини кетма-кетлигини мустақил ишни ҳамда уй вазифаси мазмунини шакллантиради.

Дарс мавзуси аниқ қисқа мазмунли бўлиши керак.

Дарсни мақсади: таълимий.

Таълимий дарс мақсадига- мавзу билан таништириш ва мавзунини асосий тушунчаларини тушунтириш киради.

Тарбиявий дарс мақсади қилиб ватанпарварлик байналминалчилик фан ва бошқа халқ маданиятини ўргатиш. Колетив билан иш олиб бориш (дўстига ўқишда ва ишда ёрдамлашиш. Коллектив олдида жавоб беришга тайёрлаш). Мехнатга, касбга, қизиқтириш, билимга бўлган муносабатинин тарбиялашни интизом ва эстетик қарашларини киритса бўлади.

Ривожланаётган мақсадга қуйдагиларни қўша бўлади. Кузатишни, диққатни, харитани, техникавий фикрини нутқини тушунишни билимга қизиқишни олинган натижаларни анализ қилиш қобилиятини технологик ҳолатни мукаммаллаштиришга интилишни тарбиялаш. Ишлаб чиқаришдаги турли хил вазиятларда мустақил масалани ҳал қилиш.

Дарснинг тўғри ташкил қилилиши унинг логик схемаси билан боғлиқ.

Масалан: Структураларнинг (соат) таркиби ва кетма-кет уларни ечилиш шартлари.

Дарсни анъанага кўра асосан 4 турга бўлиниши.

Мураккаб дарс, янги дарс баёни, умумлаштириш дарси, билимларни назорат қилиш дарси. Барча дарс турлари ўз хусусиятига эга.

1. Мураккаб дарс.
 1. Ташкилий қисм.
 2. Ўтган дарсни такрорлаш.
 3. Янги дарс баёни.
 4. Янги мавзунини мустахкамлаш.
 5. Ўйга вазифа.
2. Янги материалларни баён қилиш дарси.
 1. Ташкилий қисм.
 2. Янги материалларни баёни.
 3. Янги материалларни мустахкамлаш.
 4. Ўйга вазифа.
3. Умумлаштириш дарси.
 1. Ташкилий қисм.
 2. Такрорлаш ва олдин ўтилган ҳамма мавзуларни умумлаштириш.
 3. Ўйга вазифа.
4. Билим назарат қилиш дарси.
 1. Ташкилий қисм.
 2. Ёзма иш(оғзаки назорат, сўраш, тарқатма материал бўйича ишлаш).
 3. Ўйга вазифа.

Дарсни тузилишига қараб, дарс мазмунли ва тезкор ўтиш керак. Дарс бошланиши у ёки бу усул бўйича режалаштириб, Ўқитувчи ўқув жихозлар ва ўқитувчиларни тайёргарлигини инобатга олиш керак.

Дарсни техник- жихозлар билан таъминлаш.

- 1.Қурувчилик касбига доир ўқув режаси.
- 2.Махсус технология дарслиги (материал ўтиш. Шу касб учун ишлаб чиқаришга ўргатиш)
 - Ишни кетма-кет бажариш.
 1. Махсус технология ўқув программасига кўра(материалшунослик. Ишлаб-чиқариш ўргатиш учун бир мавзунини танлаш).
 2. Керакли дарсликларни ва лаборатория иши учун керакли асосий назарий маълумотларни ишлатиб, тузиш керак:

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №3

Мавзу: Иш ўйини

Машғулот мақсади: 1. Талабаларга мустақил ижодида текширувчи ўрнида чиқишга имкон бериб, шунингдек дарсни анализ қилиш.

2.Талабаларга бошланғич педагогик фаолиятда малакага ўргатиш.

3.Талабаларга дарсни кузатишни ва ўқитишни қандай утилишини ифодалаш.

4.Педагогик туйғунини тарбиялаш ҳамда дустларини, ҳамкасбларини фаолиятини тўғри баҳолаш.

«Иш ўйини» қўйидагилардан тузилади.

Талабалар ўқитувчиси билан бирга КХЖ да дарсда текширувчилар ўрнида иштирок этиб, анализ қилинади.

Дарс мавзуси талабаларга таниш булиши керак. Шунга ухшаш дарсни анализ қилиш схемаси дарсни биринчи утилишида утказилади.Хар бир талабага бир ёки икки савол устида кузатишни топширса бўлади. Кейинчалик талабаларни малака ортириш билан тўлиқ анализни кузатишга ўтиш мумкин. Дарс боришини кузатиш иккига бўлинган варақада ёзиб

бориш тавсияланади: чапда ўқитувчини фаолиятини қайд қилиш. Унга ўқитувчилар фаолияти(шу ерда, талабада мулоҳаза, саволлар тўғри ёзилиши педагогик вазиятни фарқи).

Дарсни анализи натижасини ҳисобот шаклида ёзилган бўлиб ўқитувчига текшириш учун топширилади. Дарс муҳокамасини дарс тугаши билан ўтказиш керак эмас. Иложи бўлса эртасига ёки кунда бўладиган дарс бериш методикаси соатида ўтказса бўлади.

Ўқитувчи ва талабаларга эслатма.

Берилган схема бўйича «Иш ўйинини» ўтказиш ва уюштириш учун қуйидаги шартларни бажариш лозим.

А) такрорлаш:

- «Иш унуми» нима ?
- «Хронометраж» (асбоб) нима?
- Дарс ўзи нима?

Б) Қуйидагиларга эга бўлмоқ керак.

- дарс анализ схемаси наъмунасига
- дарсни кузатиш наъмунаси (дарс анализи).
- дарсларни ўтиш графиги.
- ўтказилаётган дарс мавзусини
- илова (қўшмча)

Дарс кузатиш наъмунаси.

1. Дарсда ўқитувчи томонидан қуйилган мақсад.
2. мазмун педагогик мақсад. Дарс тузилишини фаҳимлаш ва уни режаси.
3. Мақсад мувофиқлиги ва ўқитиш методи, уларни дарсда қўллаш.
4. Дарсни уюштириш(вақтдан унумли фойдаланиш, механизмларидан фойдаланиш ,ўқувчиларни яқка ва коллектив ишлари).
5. Мустақил иш ва ўқувчиларни интизоми (жавоблар сони,диққат, ишонганлик, қизиқиш, ҳаракатчанлик ва интизомлик).
6. Ўқитувчи ишининг услуби.
7. Ўқитувчини ўқув,материалини мазмунини тўлиқ, аниқ дастур талабларига мувофиқ ечиш.
8. Ўтилган дарс материалини мазмунини дарс режаси билан мувофиқлиги ва уларни баён қилиш тартиби.
9. Ўқув режаси ва ўқув материалини тушунчасини ўқувчилар томонидан ўзлаштириш мумкинлиги.
10. Техника ва ишлаб чиқариш технологиялари охириги ютуқларини ўқитувчи томонидан ишлатиши.
11. Ўқув материалини тарбиявий имкониятини ўқитувчини томонидан қўлланиши.
12. Ўрганилаётган материални амалий машғулот билан ўқувчиларни касбий фаолияти билан бўлган боғланишни таъминлаш.
13. Ўқитувчи томонидан машқларни, лаборатория ишларини, муаммоли (мураккаб) вазиятларни ва бошқа ҳаракатлантирувчи методларини ўқувчиларни малакасини ҳамда дастурни ўзлаштириш аҳамияти учун қўллаши.
14. Ўтилган дарсни такрорлаш.
15. Ўқитувчиларни билим сифати ва уларни билиминини тўғри баҳолаш.
16. Ўқувчиларни уй вазфаси.
17. Ўқув кабинетини жихозларини ахволи.
18. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ташқи кўриниши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №4

Мавзу: Амалий машғулот методикаси.

Мақсад: Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятларини режалаштиришда керакли қибиллатни танлаш.(лабаратория-амалий иш ўтказиш давомида).

Семинар режаси.

1. Амалий тайёргарликда лабаратория ишларининг маъно ва ахамияти.
2. Амалий- лабаратория ишининг ўтказиш тури.
3. Лабаратория ишларининг талаби ва уюштириши.(тайёргарлик кўриш).
4. Лабаратория- практика ишларини ўтказиш, машғулотивининг методикаси.
5. Лабаратория-практика ишларининг баҳолаш ва ўқитиш методикаси.

Талабаларга вазифа.

1. Семинарнинг бирорта саволи бўйича тайёрланиш ва ўқиб бориш.
2. Методик кўрсатма бўйича, технолог касбининг аниқ бир мавзу дастури технологиясининг режасини аниқлаш.

Талабаларга ишнинг тартиби.

1. Семинарларни ўтишни ўрганиш.
2. Амалий лабаратория ишининг мавзу ва мақсадини ўрганиш.
3. Керакли жихозларни тайёрлаш.
4. Қисқача ўрганилаётган кўриниш, тур(керакли схема, расм, жихоз ва графиклари билан) тасвирлаш.
5. Қандай тайёргарлик ишлари бажарилаётганини белгилаш.
6. Тажриба ўтказиш мазмуни белгиланган, амалий лабаратория ишларини бажариш тартиби режасини тузиш.
7. ўқувчиларнинг қобилият формасини аниқлаш.
8. кузатиш натижасига кура синов натижасини ўрганиш.
9. Бажарилган ишни ёзма ҳолда тасвирлаб,ўқитувчига текшириш учун топшириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №5

Йиғма тематик режа тузиш методикаси.

Ишнинг мақсади: Талабаларни ўқув режаси ва ўқув дастури билан ишлашга ўргатиш,ҳамда йиғма- тематик режа тузишга ўргатиш.

Талабаларга топшириқ.

1. Йиғма тематик режа ва дастур билан танишиш.
2. Дарс ва дарснинг боғловчи саволларини шакиллантириш.
3. Берилган мавзу бўйича дарс мақсадини шакиллантириш.
4. Дарс ўтишни тури ва методини танлаб олиш.
5. Фан ичидаги ва фанлараро алоқани аниқлаб олиш.
6. Ўқув қуроллари ва ўқитишнинг техник воситаларини танлаб олиш.
7. Керакли адабиётлар руйхатини таклиф қилиш.
8. Уйга топшириқ бериш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №6.

Мавзу: «Ишлаб-чиқариш таълими дарсини режасини тузиш».

«Пазандачилик фанини ўқитиш (ўргатиш) мастернинг дарсга тайёрланишни мазмунини ўрганиш ҳамда ўқувчиларни ўқув устахоналарида ўқитиш бўйича режа ишлаб чиқишни удалай, билиш.

Тарқатма материаллари.

1. Ишлаб чиқаришни ўргатиш дастури, қурилиш касбларига ишчиларни тайёрлаш.
2. Махсус пазандачилик фанларидан дарсликлар.
3. Ишлаб-чиқаришни ўргатишга мансуб дарслик ва ўқув қўлланмалар методик кўрсатма).

Талабага вазифа.

1. Бир машғулотга мувофиқ материал ҳажмини аниқлаш (6 соат ҳисобидан). Дарс мавзусини ифода қилиш. Дарс мақсади, дарсни ўтказиш кунини белгилаш.
2. Берилган ишлаб-чиқаришни ўргатиш дарсини мавзу материални маъносини, берилган методик кўрсатмани ўргатиш.
3. Дарсда ўқувчилар бажарадиган ўқув ишлаб-чиқариш ишларини рўйхатини йиғиш (танлаш).
4. Дарс материал-техник асбоблари.
5. Ишлаб-чиқаришни ўргатиш дарсини режасини, дарсни асосий қисмларини вақтини кўрсатиб пастда келтирилган схема бўйича тузинг.
6. Кириш (бошланғич) инструктаж конспектини ёзинг.

Ишлаб-чиқаришни ўргатиш дарсини режаси наъмунаси.

1. Мастерни исми шарифи, гуруҳ номери, ихтисослиги, дарс куни.
2. Дарс мавзуси. _____
3. Иш объекти. _____
4. Дарсни материал-техник таъминланиши. _____

Ташкилий қисм (2-3 мин).

1. Дарсда қатнашаётганларни текшириш.
 2. Ўқувчиларни кийимини, ташқи кўринишини текшириб, камчиликларини бартараф этишни эслатиб қўйиш.
- А) Ўқувчиларни бўлиб ўтадиган машғулотни мазмуни билан таништириш.
- Б) Бўладиган дарсни мақсадини ёзиш. Ўтиладиган мавзуда дарсни ролини ва ўрнини кўрсатиш.
- В) Махсус технология дарсида олинган билимларни ўқувчиларни хотирасида қайта тиклаш учун кўриб чиқиш.
- Г) Ўқувчиларни чизма ҳамда иш босқичи билан таништириш.
- Д) Инструктажда ҳозирги замон ишлаб -чиқариш технологияси, янги техника ва илғор иш методларини ёритиш.
- Е) Ўқувчиларга мастер томонидан ўрганиладиган меҳнат усуллари намоиш қилиш.
- Ж) Ўқувчиларни иш бажаришидан олдин иш хавфсизлиги билан таништириш.
- З) Иш пайтида бўладиган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларини эслатиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 7

Мавзу: Ўқув режаси ва дастурларини муҳокама қилиш.

Дарснинг Мақсади: 1. Ўқув режаси ҳамда педагогик ҳужжатлар мазмунини ўрганиш.

3. Ўқув режаси ҳамда дастурларни анализ қилиш ва қўллай билиш қобилияти ва кўникмаларини шакллантириш.
4. Дарс жиҳозлари: ўқув режаси ва дастури.

Умумий маълумотлар.

Ўқув режаси давлат томонидан тасдиқланган ҳужжат бўлиб ўқув муассасасидаги (КХК,) ўқув тарбия жараёнинг мазмунини, ҳажмини, турини, кетма-кетлигини, даврини ҳамда муддатини ўзида акс эттирилади. Бу ҳужжатда кўрсатилган ўқув фанлари, уларни

ўқиш кетма-кетлиги, ўқув фанлари учун ажратилган соатлар, маслаҳатлар ва имтихонлар ҳар бир груҳ учун мажбурийдир.

Ўқув режалари директив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади ҳамда ўқув юртини турини, мақсад ва топшириқларни ўқувчиларни, ўқитиш муддатини аниқлаб беради.

Ўқув планлари тартибига кирувчи асосий дастурлари ва ҳужжатлар: мутахассислик тавсифномаси, соатлар тури своднотематик план ва ўқув программасидир.

Мутахассислик тавсифномаси ишчи касблари ва ишлари ягона мутахассислик тарифи қўлланмаси орқали ёзилади.

Мутахассислик тавсифномаси ўзида мазкур касб ёки мутахассисликдаги ишчига керак бўлган асосий қўникмалар, қобилият ва билимлар рўйхатини ўзида мужасамлаштиради.

Ишлаб-чиқариш таълими ва махсус технология учун ўқув дастурлари таълим мазмунини очиқ беради.

Ҳар бир касб ва мутахассислик бўйича махсус технология ва ишлаб чиқариш таълими мавзуларини йиғма-тематик режаларини тасдиқлайди.

Талибага топшириқ.

1. Дастурли ҳужжатлар тўплами ҳақида умумий маълумот:
Ҳар бир касб учун, ким томонидан ишланган ва қачон тасдиқланган, таълим муддати ва шифри.
2. Тўпламни тартиби қисмлари, уларнинг аҳамияти ва қисқача мазмунини айтиб ўтиш.
3. Булим ва унинг тартибига кирувчи дарсларни кўрсатинг.
4. Мутахассислик тавсифномаси билан танишиб чиқинг.
А) (мутахассислик даража).
Б) «Билиш керак» бўлимини шартли равишда.
 - Қобилиятини шакиллантириш учун зарур бўлган билимлар.
 - Танишиш тариқасидаги билимлар.
 - Бошқа билимларни шакиллантирувчи билимлар.В) «Бажариш керак» бўлимини шартли равишда.
 - Касбни аҳамияти
 - Умум техникавий
 - Умум меҳнат.Г) Мутахассислик тавсифномасини «бажариш керак» бўлиmidан касбий аҳамиятли, «билиш керак» бўлиmidан эслатилган қобилиятни шакиллантириш учун зарур бўлган билимни танлаб олинг. Натижаларни жадвалга ёзиб қўйинг.
5. Ўқув режа билан танишиб чиқинг ва қуйидаги ишларни бажаринг.
А) Ушбу ўқув режада нечанчи курсларни ўқишни кўзда тутилган.
Б) «Пазандачилик асослари» курсини ўқитишга неча ҳафта ажратилган.
В) Бир ҳафта мобайнида «пазандачилик асослари» курсида неча соат машғулот ўтказилади.
Г) «Пазандачилик асослари бутун курс учун неча соат ажратилган.
Б) Йиғма тематик режа билан танишиб чиқинг.
А) Йиғма -тематик режа мазмуни.
Б) Илаб чиқариш таълим» билимини танлаган қобилиятини шакиллантирувчи тема танлаб олинг.
В) «Пазандачилик асослари» бўлиmidан зарур билимларни шакиллантирувчи мавзу танлаб олинг.
Г) Танланган мавзулар соатини аниқланг.
Д) мавзулар номини жадвалга киргизинг.
6. «Пазандачилик асослари» ва ишлаб чиқариш таълими курслари бўйича дастур мазмуни билан танишиб чиқинг
А) дастур бўйича мавзуларни ўқитиш кетма-кетлигини.
Б) дастур бўйича танланган мавзу мазмуни.

В) Билим ва қобилиятни аста-секин шакиллантирувчи янги тушунчаларни танлаб олиш жадвални тўлдириб чиқинг ва номерлаб олинг.

Мутахассислик тафсифномаси.		Йиғма тематик режа.		Янги тушунчалар.	
Бажариш керак»бўлишида қобилият.	«Билиш и керак» бўлимидан билим.	Ишлаб чиқариш таълими мавзу.	«Махсус технология фани мавзуси.	«Ишлаб чиқариш таълими мавзуси .	«Махсу с технология курси мавзуси .
1	2	3	4	5	6

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 8

Мавзу:Педагогик расм ва ёзмаларни бажариш методикаси.

Машғулот мақсади:Талабаларда педагогик расмларни мохирлик билан тузишини талаб қилиш, шунингдек ёзув ва расмларни синф доскаси ёки проекция апаратини ишлатиб бажариш.

Талабаларда онгли равишда мазмуни ,сабаби қуллашни ўрганиш. График материал устидан амалий иш олиб бориш.

Талабага вазифалар:

1. Текстни диққат билан кўриб текистдан олинган тасвирлани ўрганиш.
2. Расмнинг дидактик образини шакиллантириш машинани ҳаракат принципини тасвирлаш, ишнинг технологик кетма -кетлиги, асбобларнинг тузилиши машина механизмларни мослаштириш.Уларни тасвирлашни кетма-кетлиги).
3. Варагда педагогик расимни бажариш.
4. Расмни номини ифодалаш.
5. Расм устига керакли ёзувларни қўйиш.
6. Зарур бўлганда қўшимча керакли схема ва бошқаларни ифодалаш.
7. Расмни бажариш техникаси бўйича тушунтирувчи текстни туза билиш.
8. Ўқитувчи текширгандан кейин доскадаги ёки праекцион апаратдаги расм ва ёзувларни кўриш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 9

Мавзу: Малакавий таълим методикаси фанидан

ўқувчиларнинг олган билим ва кўникмаларини текшириш, баҳолаш методикаси.

Ишдан мақсад: Билимларни текшириш баҳолаш тизимини ўрганиш,талабаларда тарқатма материал билан ишлаш кўникмаси ҳосил қилиш.

Семинар режаси

1. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг аҳамияти ва вазифалари.
2. Ўқувчилар билимини текшириш, баҳолаш талаблари.
3. Ўзлаштириш ҳисоби ва методлари.
4. Оғзаки савол методикаси.
5. Билимни ёзма текшириш методикаси.
6. Билим, малака ва кўникмаларни назорати.
7. Имтихонни ташкил этиш ва ўтказиш.
8. Билим ва малакани баҳолашнинг рейтинг тизими.
9. Ўқувчилар билимининг баҳолаш методикаси камчиликлари.
10. Ўзлаштириш бўйича ҳужжатлар.

Талабага вазифалар.

1. КХК ларда умумлаштирувчи адабиётдан фойдаланиб семинарга тайёрланиш ва қатнашиш.
2. Қурилиш ихтисоси бўйича махсус технология фанидан аниқ мавзу бўйича билимни машинасиз назорат қилиш бўйича дастур тузиш.
3. Технолог ихтисоси. «Пазандачилик асослари» фанидан 5 та савол тузиш:
А) Саволарнинг аниқлик ва тушунарлилиги.
Б) Саволар шу фан бўйича ўқув материалининг кенг қамраб олиши керак.
В) Саволларни тахминан бир хил қийинлиги.
Г) Хар бир саволда технология бўйича маълум ишни бажариш, машиналар механизм ва воситалардан фойдаланиш. Меҳнат ҳимояси ва пазандачилик бўйича саволлар.
4. Технолог ихтисоси учун номерли ёзма имтихон ишлари рўйхатини тузиш.
А) Мутахассислик характеристикасини ўрганиш.
Б) ишлаб-чиқариш дастурини ўрганиш, шунингдек махсус технология, пазандачилик асослари фанларидан.
В) Битириш имтихони талабалари.

Ўқитувчи ва талабага эслатма.

Лаборатория. ишларини бажариш учун қуйдагиларни билиш зарур:

- А) Такрорлаш:
- Билимни текшириш методикаси.
 - Баҳолаш мезонлари.
 - Тарқатма материал билан ишлаш методикаси.
 - тарқатма топшириқлари билан ишлаш методикаси.
 - Билимни текшириш ва баҳолаш методикасидан, камчиликлар ва уни йўқотиш йўллари.
 - Ўзлаштириш ҳисоби бўйича ҳужжатлар.
- Б) қуйдагилар бўлиш керак.
- КХКда махсус технология бўйича қўлланма ва дарсликлар.
 - Технолог мутахассиси, ишлаб чиқариш таълими, пазандачилик асослари фанлари КХК мутахассислик характеристикаси.
 - Кўплик танлашнинг тарқатма-топшириқ вазифаси.
 - Тематик ёзма назорат ишларидан намуналар.
- Ўқувчиларнинг тематик ёзма ишлари бўйича саволлар тузиш.
- 2 -назорат ишда 2 та вариант. хар бир вариантда 4 тадан савол)назорат.
- Назорат учун топшириқ материаллари тузиш:
- А) Кўплик танлаш.
- Б) Крестсимон танлаш.
- В) Конструкция саволларига топшириқ.

Мавзуни оғзаки назорат қилиш учун саволлар тузиш
Машғулотда ишни ташкил қилиш.

1. Семинар саволлари муҳокамаи.
2. Ўқитувчи ишнинг мазмуни ва мақсадини тушунтиради бажарилган топшириқлардан намуна кўрсатади, ҳар бир ўқувчига алоҳида топшириқ берилади.
3. Талабалар томонидан прак. Топшириқ бажарилиши.
4. Бир неча студент ўзи бажарган ишини баён қилгач ,методикага асосланиб уларни билмини текшириб баҳоланади.
5. Ўқитувчи машғулоти ютуқ ва камчиликларни кўрсатади,

йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беради.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 10

Мавзу: Ишлаб чиқаришга саёҳат ўтказиш методикаси.

Машғулоти мақсади: Ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқув саёҳатларни режалаштириш ва амалий билим ҳосил қилиш.

тарбиявий мақсадни тузиш ва унга эришишга ўргатиш.

Семинар режаси.

1. Ўқув саёҳати аҳамияти ҳақида тушунча.
2. Саёҳатни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.
3. Саёҳатга раҳбарлик қилишда ўқитувчининг ўрни.
4. Саёҳат натижаларини яқунлаш.Тўпланган материалларни жихозлаш ва қайта ишлаш улардан келажакда дарс жараёнида фойдаланиш.

Талабага топшириқ.

1. Семинар саволларидан бири бўйича сўзга чиқиш.
 - А)Саёҳат ўтказиш учун ўқув материал режасини ишлаб чиқиш.
 - Б)Мавзу мазмунини ўрганиш.
 - В)Дарс темаси саёҳат ўтказадиган жой ва хулоса чиқаришни белгилаш.
 - Г)Ўқувчиларни саёҳатга тайёрлаш, семинарни ўтказиш ва топшириқлар тузиш.
 - Е)Иш бўйича тузилган схемани жихозлаб текширишга топшириш.

Кискача маълумот.

Саёҳатни ҳамма фанлардан ўқув ва тарбиявий мақсад билан ўтказиш. Қуйдагича экскурсияларга бўлинади:

- 1- Танишув, 2 -мавзу бўйича, 3 -комплекс.

Мавзу бўйича танишув саёҳатлари.

Танишув саёҳадлари ўқув йили бошланишидан аввал ташкил этилади. Бундай саёҳадни асосий мақсади ўқувчини корхонанинг вазифаси тузилмаси ,хом-ашё турлари ,технологик жараён жихозлари иш ўринлари ва турли касбдаги ишчилар фаолиятини хусусиятлари билан таништиришдан иборат.

Тематик саёҳатлар.

Бу саёҳат ўқув дастурини алоҳида мавзуларни ўрганишда ташкил этилади.

Комплекс ёки махсус саёҳатлар.

Бир неча боблар йиғиндисини ва бутун бир фанни ўрганишда ўтказилади. Бунинг учун йирик саноат комплекси ёки объекти танланади.

Комплекс саёҳадлар ўқувчилар объект фаолиятининг турли томонларини ёки алоҳида участкаларининг узаро алоқаларини ўрганади.

Саёҳатни фойдали ўтказиш учун ўқувчилар олдида қўйилган фаолиятни активлаштириш зарур. Шу муносабат билан ўқувчиларга бир неча вазифаларни режалаштириш топширилади.

Саёҳатни ўтказиш тартибини режалаб ўқитувчи ўқувчиларни қайси вақтда топшириқни бажаришни ўйлаб қилиш керак. Саёҳатга қуйидаги элементларни киритиш мумкин. Сухбатга кириш, ташкилот вакили билан, ишлаб-чиқариш илғорлари, Ёш ишчилар билан ўқувчилар ўртасида сухбат ўтказиш, ишни илғор методларини, тайёр махсулотни, хом ашёни намоиш қилишни, лойиха ҳужжатлари билан таништириш.

Саёҳат аҳамиятини албатта натижалаш керак. Бунинг учун вақт ажратиб дарсларни бирида саёҳат натижасини эълон қилиб, кўрилганлиги тўғрисида қўшимча маълумот бериш керак.

Саёҳат материалларини ўқитувчи иш жараёнида ишлатади.

Саёҳат дарсини режаси.

Кун _____ номи _____

Дастури _____

Берилган мавзуда дарс тартиб номери ва мавзунини номланиши.

Дарс мақсади:

I. Груҳда суҳбат ўтказиш.

а) Саёҳат мақсади.

б) Кузатув учун алоҳида ўқув саволларини билиш (груҳли ва индивидуал ҳолатда).

в) Ишлаб чиқариш интизоми ва ўқувчиларни саёҳат пайтида ҳуққ- атворлари.

г) Техника ҳавсизлиги.

д) Ўқувчиларда саёҳатда олинган натижаларни расмийлаштириш тартиби.

е) Саёҳат якунларини чиқариш усули.

2. Саёҳат раҳбари тушунтиришлари ва назорат остида. ўқувчиларни мустақил кузатиб боришлари.

Элсатма изох:

1. Саёҳат жойи: _____
2. Ўрганилаётган объектлар. _____
3. Йиғилиш жойи ва вақти. _____
4. Ҳаракат йуналиши . _____